

**«Хайдаров Бахтиёр Исмоилович»
тадбиркор**

ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХА

(БИЗНЕС РЕЖА)

*Эко туризмга мулжалланган дам олиш
оромгохни яратиш*



Самарканд тумани – 2020 йил

«ТАСДИКЛАЙМАН»
Тадбиркор «Хайдаров Бахтиёр
Исмоилович»

БИЗНЕС РЕЖА

*Эко туризмга мулжалланган дам олиш
оромгохни яратиш*



Самарканд тумани – 2020 йил

К и р и ш

Ўзбекистонда иктисодий ислохатларни чуқурлаштиришнинг устивор йуналишлари каторидан хусусий тармок ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш мухим урин тутиб келмокда.

Биобарин, тадбиркорлик жамият ижтимоий – иктисодий ривожланишида мухим ахамият касб этаётганлигини хозирги кунда хаётнинг узи яккол курсатмокда. Яъни тадбиркорликни ривожлантириш давр талабига айланиб бормокда.

Хозирги кунда республикамизда тадбиркорлар янги ижтимоий катлам ва синф сифатида шакланмокда. Хукумат томонидан мамлакатимизда хусусий мулкнинг ривожланиши ва шу асосда ахолининг тадбиркорлик фаолиятини куллаб қувватлаш ва кенгайтиришга каратилган катор карор ва фармонлар кабул килинган.

Утган йиллар даврида Ўзбекистон иқтисодиётида ислохотлар миқёсини кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар Дастурини амалга ошириш доирасида фақатгина сўнгги йилнинг ўзида тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, хусусий мулк устуворлигини таъминлаш ва унинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш, корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат қилувчи идоралар аралашувини камайтиришга оид аниқ чора-тадбирлар рўёбга чиқарилди.

Тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили қонун даражасида жорий этилди.

Республикамизнинг инвестиция сиёсатининг асосий мақсади давлат иктисодиётини кутариш ва тармокни янги технологиялар билан куроллантиришдан иборат.

Республика ва минтақалар бўйича иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизация қилиш кўламларини, мамлакатда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш даражасини ҳар чоракда баҳолаш кўрсаткичлари тизими жорий этилган.

Натижада, утган йил билан таққослаганда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши кўпайди, ушбу соҳада меҳнат билан банд бўлганлар сони шу давр ичида ошди ва иқтисодиёт тармоқларида меҳнат билан банд бўлганларнинг кўпроғи унинг улушига тўғри келади. Ҳозирги вақтда ялпи ички маҳсулотнинг, саноат маҳсулотининг ва қишлоқ хўжалигининг деярли барча маҳсулоти нодавлат секторда ишлаб чиқарилмоқда.

Инвестицияларнинг усиш суръатлари унинг таркибий қисмлари бўйича қуриб чиқилса, энг юкори курсаткич тижорат банклари кредитлари ва бошка қарз маблағлари ҳисобига тугри келади. Уларнинг ҳажми ортган.

Ушбу инвестициянинг инвестициялар таркибидаги улуши утган йилдагига нисбатан ортган. Тугридан тугри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми усиб, бунинг натижасида уларнинг инвестициялар таркибидаги улуши ортган.

Бу курсаткичлар мамлакатимизда яхши инвестицион муҳит яратилганлигидан далолатдир.

ЛОЙИХА БУЙИЧА ҚИСҚАЧА
ХУЛОСАВИЙ МАЪЛУМОТЛАР

- | | |
|--------------------------------|--|
| 1. Лойиха киймати | - 250 000 минг сум |
| 2. Ободонлаштириш | - 50 000 минг сум |
| 3. Курилишлар, ускуналар | - 200 000 минг сум |
| 4. Инвестиция киритиш муддати: | - 1 йил |
| 5. Лойиха мақсади | <i>Эко туризмга мулжалланган
дам олиш оромгоҳни яратиш</i> |
| 6. Ишчилар сони | 6 та нафар янги ишчи |



ЛОЙИХАЛАШ ЗАРУРИЯТИНИ АСОСЛАШ

Лойиҳа мақсади

Ушбу лойихани ишлаб чиқишдан асосий мақсад «Хайдаров Бахтиёр Исмоилович» тадбиркор шу кунга қадар аҳолига маиший хизмат курсатиш билан шугулланиб келмоқда.

Тадбиркор «Хайдаров Бахтиёр Исмоилович» фаолиятини янада ривожлантириш ҳолда Самарқанд шаҳри Расадхона МФЙ Самарқанд давлат марказий умумхожалик ҳудудида туристик ва кунгилочар зонасини яратишни режалаштирилмоқда.

Тадбиркорнинг йиллик ишлаб чиқариш қувватини оширишга олиб келади.

Тадбиркор томонидан ушбу лойиҳа орқали узининг хизмат курсатиш ҳажмини янада кенгайтириш, курсатилаётган хизматнинг сифатини ошириш режалаштирилган.

Бугунги кунда тадбиркор раҳбарияти томонидан барча ресурс маблағлари, яъни даромадлар тўлиқ янги очиладиган жамиятнинг айланма маблағларини оширишга қаратилади.



1 - КИСМ

БУГУНГИ КУНДАГИ МАВЖУД БИЗНЕС

1) Асосий фаолият тугрисида кискача маълумот.

«ХАЙДАРОВ БАХТИЁР ИСМОИЛОВИЧ» тадбиркор шу кунга қадар ўзининг маиший хизмат фаолиятини амалга ошириб келмоқда.

Хайдаров Бахтиёр Исмоилович ушбу лойихани бошқариш қобилияти ва маблағлари мавжуд.

2) Менеджмент ва ишчи кучи.

Ушбу лойиха асосида янги қорхона яратилади ва раҳбари ҳамда ишчилари бу соҳада қуп йиллик меҳнат тажрибалари бўлиб, 6 янги иш жойини яратилмоқда.

Агар Самарқанд тумани Самарқанд тумани Урмон хужалиги ҳудудида 0,2 га ер майдонида Эко туризмга мулжалланган дам олиш оромгоҳи қурилса қушимча 6 та иш урни яратилади.

Тадбиркор томонидан ишчиларни ишга қабул қилиш, конкурс ҳамда синовлар асосида ишга қабул қилинади. Бунда ишга утиш учун муқожаат қилган ходимларнинг асосан меҳнат тажрибалари, ишга бўлган маъсулияти даражаси ҳамда аввалги ишлаган жойларидан берилган тавсияномаларга қаттиқ эътибор қаратилади.

Бугунги кунда Самарқанд вилояти ҳудудида қупгина ушбу турдаги хизматлар қурсатувчи қорхона ва ташкилотлар мавжуд бўлиб. Уларнинг ҳар бирининг ҳам Ички ва Ташқи бозордаги улушлари мавжуд.

Бу қорхона ва ташкилотларнинг барчасида турли хилдаги ушбу турдаги хизматлар қурсатилади ҳамда Республикаимизнинг Ички бозорларига етказиб берилади.

Лекин барчасида хизматлар тури, нархи, сифати даражаси турли хилда. Бундай бозор иқтисодиёти ривожланган, яъни рақобат қучли бўлган ҳудудда хизмат асосан сифати, тури ҳамда урнатилган нархи қатта аҳамиятга эгадир.

Шу сабабли «Хайдаров Бахтиёр Исмоилович» тадбиркор томонидан ҳам ҳудди шу мезонларга қучли эътибор қаратилган, яъни турли хилдаги арзон ва сифатли хизмат қурсатишга.

Ички ва ташқи бозорларга маҳсулотларни олиб қикиш бўйича реклама ва маркетинг анализлари олиб қорилишига зарурий даражада маблағлар сарф қилинган ҳолда қуқур изланишлар олиб қорилмоқда. Янги миқозлар ҳамда шериклар билан ишлар олиб қорилмоқда.

Корхона раҳбарияти ривожланиш стратегиясини куйидагича белгилаган:

- Юкори сифатли хизмат курсатишни амалга ошириш;
 - Курсатилаётган хизматнинг нархи ва сифати буйича ракобатбардошли булиш;
 - Фаолият соҳасига тегишли бозорда уз урнини белгилаш;
 - Бозордаги узгаришларга тезлик билан мослашиш;
- Муаммолар ва уларни ечиш йуллари

Муаммолар	Хал килиш йуллари
Кули ракобат	Юкори сифатни таъминлаш. Ракобатчилардан юкори булмаган, жоиз булса паст булган нархларни урнатиш. хизмат сифати даражаси хисобидан корхонанинг имиджини ташкил килиш
Малакали ходимларнинг йуклиги	Ходимларни мунатзам равишда малакасини ошириш буйича ўқув ишлаб чиқариш семинарлари ташкил қилиш

4) Бугунги кундаги ишлаб чиқариш имкониятлари

Корхона куйидаги потенциалларга эга:

- юкори малакали кадрларнинг мавжудлиги;
- бино ва иншоотларнинг мавжудлиги

2 - КИСМ

1. ЛОЙИХА

Лойихани муддатлар буйича амалга ошириш.

Боскичлар	Лойихани амалга ошириш		
	I боскич	II боскич	III боскич
Ободонлантириш	-		
Курилиш		-	
Жихозлаш			-
Ишга чиқиш			

2. ЛОЙИХА СТРАТЕГИЯСИ

Ушбу лойихани ишлаб чиқаришдан корхона олдига қуйилган асосий мақсад, стратегия 2020-2021 йилларда ишлаб чиқаришни янада ҳажмини оширишдан иборат.

Ҳукумат Самарқанд вилояти бўйича қарор қабул қилди.

Вазирлар Маҳкамасининг “Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ҳужжат билан қуйидагилар:

2019-2022 йилларда Самарқанд вилоятида туризм соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари;

Самарқанд вилоятида туризмни янада ривожлантириш бўйича “йўл харитаси”;

Халқаро молия институтлари, шу жумладан Европа тикланиш ва тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Самарқанд вилояти бўйича истиқболли инвестиция лойиҳалари рўйхати;

Самарқанд вилоятида автомобиль йўллари реконструкция қилиш ва туризм маршрутлари бўйича пиёдалар кўчаларини қуриш объектларининг рўйхати тасдиқланди.

Хизмат курсатиш қувватини ошириш ҳисобига олиниши режалаштириладиган даромад манбаини қупайтириш ҳисобланади.

Корхонанинг асосий стратегияси мунтазам равишда юкори сифатли даражада булган хизмат курсатишдан иборатдир.

Лойиханининг мақсадлари:

- ✚ Режалаштирилган хизмат курсатиш хажмига зудлик билан эришиш;
- ✚ Энг янги техника-технологиялардан фойдаланиш;
- ✚ Сифатли хизмат курсатиш ҳамда унга асосланган нарх урнатиш;
- ✚ Бозорда талабгорларнинг катта қисмига эришиш;
- ✚ Ривожланиш ва кенгайтириш;
- ✚ Худудий ҳамда Ташки бозорга чиқиш.

Юкорида келтирилган мақсадларга эришиш учун корхона томонидан қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилиш зарур:

- хизмат курсатиш сифатини ҳамда турини қупайтириш;
- Корхонада таъминот бўлими буйича ривожланиш;
- Узининг хизмат курсатиш буйича изланишларини олиб бориш;
- Халқаро талабларга мос келувчи юкори сифатли хизмат курсатишни мунтазам назорат қилиш.

Юкорида курсатилган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш, корхонанинг ишлаб чиқариш бозорида уз урнини эгаллашга ёрдам беради.



3. БОЗОР ВА МАРКЕТИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ

Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш асосида мулкдорлар синфини шакллантириш, тегишли институтлар тизимини ташкил этиш, кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасига кредит ресурсларини кенг жалб қилиш ва хорижий сармояларни бевосита олиб кириш учун макбул шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ишлаб чиқилган.

Мазкур фармон ва қарорларга асосланган ҳолда қорхона ички бозордаги рақобатчилар билан рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни уз олдиға мақсад қилиб қўймоқда.

Тадбиркор томонидан 2020-2021 йилларда ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш режалаштирилмоқда.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил январда бўлиб ўтган мажлисида белгилаб берилган 2020 йилға мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари изчил амалға оширилиши ва пухта ўйланган макроиқтисодий ҳамда фаол таркибий сиёсатнинг давом эттирилиши 2019 йилда мамлакатимизда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш имконини берди.

Ялпи ички маҳсулот ҳажми 2018 йилдағиға нисбатан 7,8 фоиз, саноат ҳажми 7,2 фоиз, қишлоқ хўжалиғи ҳажми 6,4 фоиз, чакана савдо айланмаси 14,2 фоиз ўсди.

Юқори иқтисодий ўсиш суръатларига ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси, давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотға нисбатан 0,1 фоиз профицити ва 2,2 фоизни ташкил қилган инфляция даражасининг пастлиғини ифода этган макроиқтисодий барқарорликни сақлаш орқали эришилди.

Саноатни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилиш жараёнларини чуқурлаштиришға оид фаол инвестиция сиёсатининг амалға оширилиши ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажмининг 9,4 фоизға ва пудрат-қурилиш ишларининг 15 фоизға ўсиши имконини берди.

Хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида товар ишлаб чиқарадиган тармоқларда саноат маҳсулотларининг юқори ўсиш

суръатларига эришилди. Хусусан, тўқимачилик буюмлари, кийим ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш 114,8 фоиз, озиқ-овқат маҳсулотлари 113,7 фоиз, фармацевтика маҳсулот ва препаратлари 123,7 фоиз, кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлари 134,1 фоиз, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш 112,9 фоизга ошди.

Ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва тайёр истеъмол товарлари турини кенгайтириш мақсадида истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг технологик ускуналар харид қилиши ҳамда айланма капитални кўпайтириши учун тижорат банклари 4,4 триллион сўмлик кредит маблағлари ажратди. Тайёр тикувчилик-трикотаж маҳсулотларининг 57 янги тури ва 141 моделини, 80 дан зиёд турдаги янги дори препаратлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

2017-2020 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар томонидан саноат маҳсулотларининг 50 дан ортиқ янги тури, жумладан, нефть-газ-кимё ускуналари, конвейер ускуналарининг эҳтиёт қисмлари, автомобиллар спидометри, электр печлар, сув тўплайдиган электр иситгичлар, спорт тренажёрлари, болалар велосипеди ва самокатлари ҳамда бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Молия-банк тизими барқарорлигини таъминлашга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида шу йилнинг 6 ойида банклар умумий капитали 22,8 фоиз, уларнинг активлари 25,5 фоиз, банклардаги депозитлар 27,5 фоиз кўпайди. Натижада тижорат банклари маблағлари ҳисобидан иқтисодиётга кредит ажратиш ҳажми 25,7 фоиз ўсди. Бунда ажратилган банк кредитлари умумий ҳажмининг қарийб 80 фоизини инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ташкил қилди. Банк қайта молиялаш ставкаси 9% дан 14% га кўтарилди.

Хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодиётда давлат иштироки улушини босқичма-босқич камайтириш

45 акциядорлик жамиятида хорижий инвесторларга низом жамғармасининг 15 ва ундан кўп ҳажмдаги давлат улушлари сотилди. Бунинг самарасида низом жамғармасида давлат улушига эга акциядорлик жамиятлари сони ўтган йилнинг шу давридаги 302 тадан 183 тага тушди.

Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари дастури амалга оширилиши доирасида жорий йилнинг тўққиз ойида қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий

база ташкил этиш ҳамда уни такомиллаштириш ишлари давом эттирилди.

Хусусан, товарларни (ишлар, хизматлар) электрон тижорат шаклида сотишни тартибга соладиган Электрон тижоратни амалга ошириш қоидалари тасдиқланди. Қурилишнинг барча босқичларида тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари доирасида ягона қоида ва талаблар белгиланди, бино ва иншоотлар ташқи кўринишини ўзгартириш, объектларни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга, шунингдек, турар жойларни нотурар жойлар тоифасига ўтказишга рухсат бериш талаблари жорий этилди. Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари ва чоралари кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслик давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгилангани бу борадаги ишлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилганидан далолат беради.

Кичик бизнес корхоналари ўз маҳсулотларини ташқи бозорга чиқаришга ёрдам бериш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида Маҳсулотлар экспортига кўмаклашиш бюроси томонидан жорий йил бошидан буён 1,1 мингдан зиёд корхонага маслаҳат хизмати кўрсатилди, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаш, аккредитация, маҳсулот экспорти, халқаро ва давлатлараро талабларни жорий этиш бўйича 40 дан ортиқ халқаро шартнома тузилди.

5. ОБЪЕКТНИНГ ЖОЙЛАШИШ УРНИ

Жамиятнинг жойлашган урни Ўзбекистон Республикаси Самарканд вилояти, Самарканд шаҳри, Расадхона МФЙ, Самарканд давлат марказий умумхожалик ҳудудида 0,2 гектар ерда бўлади.

6. ИШЛАБ ЧИКАРИШНИ ТАШКИЛ КИЛИШ ВА ХАРАЖАТЛАР

Бу харажатлар таркибига:

- ишлаб чиқариш харажатлари, асосий воситаларни саклаш ва таъмирлаш харажатлари, коммунал харажатлар тулови, амортизация ажратмалари;

- ишчи кучи буйича иш хаки (ижтимоий сугурта) харажатлари, жорий харажатлар, маркетинг ва реклама харажатлари, солиқлар ва бюджетдан ташқари фондлар буйича бошқа туловлар.

Амортизация ажратмалари асосий воситалар, бино иншоат, транспорт, технология ва асбоб ускуналар буйича алохида тарзда амалга оширилиб борилади.

Ускуналарнинг эксплуатация харажатларига, уларни таъмирлаш, уларга эҳтиёт қисмларни алмаштириш ва бошқа ёқилги мойлаш харажатлари киритилади.

	УЛЧОВ БИРЛИГИ	ЙИЛЛИК ТАЛАБ	1 БИРЛИГИ УЧУН НАРХ (минг сум)	ЙИЛЛИК КҲЙМАТ (минг сум)
ЭЛЕКТРОЭНЕРГИЯ	КВТ.ЧАС	40 000	0,714	28 540,80
ВСЕГО				28 540,80

	Сони	Белгиланган ойлик маоши (минг.сум)	Йиллик иш хаки фонди (минг.сум)
И/ч фаолияти			
Ишчилар	6	800,00	57 600,00
			0,00
ЖАМИ	6	800,00	57 600,00
Ижтимоий сугурта учун тулов	12%	ойлик иш хакидан	6 912,00
ЖАМИ			64 512,00
АДМИНИСТРАЦИЯ			
Директор	1	1 000,00	12 000,00
ЖАМИ	1	1 000,00	12 000,00
Ижтимоий сугурта учун тулов	12%	ойлик иш хакидан	1 440,00
ЖАМИ			13 440,00
ХАММАСИ	7		77 952,00

8. ЛОЙИХАНИ АМАЛГА ОШИРИШ РЕЖАЛАРИ

Хозирда корхонада мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларига асосан режаларни куриб чиксак.

Жамият томонидан бугунги кунда хакикатда амалга оширилаётган ишлаб чиқариш имкониятлари, булардан ташкари бевосита ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир киладиган ички ва ташки таъсирларни инобатга олган холда, кундан кунга нарх наволарнинг узгариб туришини, талаб таклифнинг узгариб туришини инобатга олган холда кунлик, ойлик хамда йиллик ишлаб чиқариш хисоб китоблари куриб чикилди. Куйидаги келтириладиган режаларимизда хам юкоридагиларга асосланган холда хисоб китоблар амалга оширилган.

Ушбу хисоб китобларимиздан куруниб турибдики, ялпи тушум ва соф фойда курсаткичлари корхонанинг барча харажатларини коплашга етади.

№	харажатлар номи	1 чорак	2 чорак	3 чорак	4 чорак	ЖАМИ 12 ой
1	Моддий харажатлари	17 500	18 025	18 566	19 123	92 527
2	Иш хаки буйича харажатлар, шундан:	16 128	16 128	16 128	16 128	80 640
	иш хаки фонди	14 193	14 193	14 193	14 193	70 963
	ижтимоий сугурта учун	1 935	1 935	1 935	1 935	9 677
3	Коммунал харажатлар	7 135	7 135	7 135	7 135	36 390
4	Транспорт харажатлари	500	500	500	500	2 550
	ЖАМИ	41 263	41 788	42 329	42 886	212 107

Молиявий натижалар

	1 квартал	2 квартал	3 квартал	4 квартал	12 ойда
Эко туризмга мулжалланган дам олиш оромгохи	70 000	73 500	77 175	81 034	301 709
Жами тушум	70 000	73 500	77 175	81 034	301 709
Махсулотнинг таннарх харажатлари	42 278	42 593	42 917	43 252	171 040
Кузда тугилмаган харажатлар микдори	2 000	2 000	2 000	2 000	8 000
Маркетинг, реклама ва бошка харажатлар	5 000	5 000	5 000	5 000	20 000
Ялпи даромад микдори	20 722	23 907	27 258	30 782	102 669
Бошқарув харажатлари, администрация	13 440	13 440	13 440	13 440	53 760
Солик тулангунга кадар даромад микдори	7 282	10 467	13 818	17 342	48 909
Солик тулови харажатлари					
Айланма солик 4%	2 800	2 940	3 087	3 241	12 068
Мулк, сув, ер ва бошка солиқлар	300	300	300	300	1 200
Солик тулангандан кейинги даромад микдори	5 197	8 032	11 019	14 166	38 414
Бошка турдаги харажатлар					
СОФ ФОЙДА, барча туловлардан кейин колдик	5 197	8 032	11 019	14 166	38 414
Ялпи даромад / Жами тушум	31,1%	33,6%	36,1%	38,4%	34,9%
Соф фойда / Жами тушум	7,4%	10,9%	14,3%	17,5%	12,7%

10. ХУЛОСА

10.1. Асосий ютуқлари ва камчиликлари

Жамият томонидан ушбу лойихани амалга ошириш натижасида асосий эришиладиган ютуқларидан, «Хайдаров Бахтиёр Исмоилович» тадбиркор фаолиятини янада ривожлантириш, Самарканд шаҳри, Расадхона МФЙ, Самарканд давлат марказий умумхожалик ҳудудида 0,2 га ер майдонида туристик ва кунгилочар соҳасида ушбу соҳанинг ривожланишига олиб келади.

Хизмат курсатиш ҳажмини купайтириш, даромад манбаини орттириш, асосий рақобатчи корхона ва ташкилотлар орасида нарх ҳамда сифат мезонлари буйича бир поғона юқорига чиқишга эришишдир.

Шу билан биргаликда корхонада хизмат хажми камида 2 мартага купайиши режалаштирилмоқда.

Юкоридаги ҳисоб китобларимиз шуни курсатиб утадики, корхона томонидан амалга оширилиши режалаштирилаётган ушбу лойихадан корхонанинг имкониятлари етарли даражада эканлигидан далолат беради.

Чунки ушбу лойихани ишлаб чиқишдан аввал корхона узига буладиган талабларни урганиб чиққан ҳолда ишлаб чиққан.

Форс-мажор ҳолатларида харидорларга махсулотларни ўз вақтида етказиб бера олмасилигини айтиб ўтишимиз мумкин.

10.2. Лойихани амалга ошириш имкониятлари

Пул оқимлари курсаткичларини инобатга олган ҳолда куриб чиққанимизда лойиха узини тулик коплайди. Лойихани тулик коплаш муддати 12 ой.

Лойихани амалга ошириш натижасида айтиш мумкинки жамиятда ишчиларнинг тулик иш билан банд булиш имконияти янада таъминланади.

Ички бозордаги ахолининг ушбу турдаги хизматга булган эҳтиёжини янада кондиришга эришилади.

Юкоридаги молиявий натижалар барчаси ишлаб чиқариш амалиётида буладиган харажатларнинг максимал миқдорида, пул тушуми миқдори эса минимал миқдорда урганиб чиқилган.

Шу билан биргаликда молиявий ҳисоб китоблардан куриниб турибдики корхонанинг лойихани амалга ошириш муддати давомида даромадлар курсаткичи йилма йил ортиб борган, демак имкониятлар ҳам купайишини билдиради.

Бу эса лойихани тулик жамият томонидан ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилганлиги ҳамда аниқ мақсадларга йуналтирилганлигидир.

Кушимча ер майдонларини ажратилиши эса корхонага янада хизмат курсати хажмининг ортишига ҳамда даромад манбаининг купайишига олиб келади.